

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИМ СВЕТЛАНА БОРИСОВНА**

**СЎЗ ТОВУШ ҚОБИҒИ СИНТЕЗИ ЖАРАЁНИДАГИ**  
**МОРФОНОЛОГИК ҲОДИСАЛАР**  
**(От сўз туркуми мисолида)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва**  
**Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Им Светлана Борисовна**

Сўз товуш қобиғи синтези жараёнидаги морфонологик ҳодисалар  
(от сўз туркуми мисолида)..... 3

**Им Светлана Борисовна**

Морфонологические явления в процессе синтеза звукового облика  
слова (на материале имён существительных)..... 33

**Svetlana Borisovna Im**

Morphonological Phenomena in the Process of Synthesis of a Word's Sound  
Image (on the material of nouns)..... 65

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works..... 70

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИМ СВЕТЛАНА БОРИСОВНА**

**СЎЗ ТОВУШ ҚОБИҒИ СИНТЕЗИ ЖАРАЁНИДАГИ**  
**МОРФОНОЛОГИК ҲОДИСАЛАР**  
**(От сўз туркуми мисолида)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва**  
**Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Fil 209 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.  
Диссертация автореферати учта тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бакиева Гуландом Хисамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хашимова Дильдора Уринбаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бакиров Поён Уралович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Щербак Антонина Семеновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» апрел куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик Халқа Йўли, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (998 71) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru).)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел. (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» март куни тарқатилди.

(2021 «26» март даги 5 рақамли реестр баённомаси)



**Л.Т. Аҳмедова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси в.б., пед.ф.доктори, профессор

**Х.Б. Самигова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, фил.ф.доктори, доцент

**Ж.А. Якубов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
фил.ф.доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши ва турли тилларда мулоқот олиб боришга бўлган эҳтиёжнинг кучайишига олиб бормоқда. Тилларнинг лексик таркибини ўрганиш, уларни қиёсий тадқиқ қилиш, жумладан, турли тизимли тилларда лексик парадигмаларни тил қатламлари нуқтаи назаридан комплекс ўрганиш тилшуносликнинг истиқболли йўналишларидан бўлиб қолмоқда. Замонавий тилшуносликда тилни умумий дериватологик тавсифлаш ва деривацион лексикологияни унинг бир қисми сифатида тасвирлаш концепцияси шаклланиб бормоқда. Бу ўз навбатида тил қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни чуқур ўрганиш ва сўзнинг умумий назариясини тузиш имконини бермоқда.

Дунё тилшунослигида фонетика ва грамматика соҳаларининг алоқадорлигини ҳам синхрон, ҳам диахрон кўриб чиқиш назарий аҳамиятга эга бўлган лингвистик тадқиқотларнинг, жумладан тарихий ва қиёсий грамматикаларнинг муҳим объекти сифатида намоён бўлади. Асосий аналитик ҳамда синтетик морфонологик концепцияларида ифодаланадиган назарий қоидаларнинг мавҳумлигисабабли «морфонология» тушунчасига турли хил маъно юкланади, бу эса морфонология муаммолари ҳамда масалаларининг турлича ҳажмини белгилайди. Қўлланилаётган методлардаги ҳамда термин қўллашдаги ўзига хосликлар турли назарияларни таққослашва умумлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида илм-фан тараққиёти, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. «Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак»<sup>1</sup>. Зеро, турли тизимли тилларни ўқитишда талабаларга тилшунослик мезонлари асосида морфонологик муаммо, сўз ясалиши ва сўз ўзгаришининг морфонология билан алоқадорлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар замонавий рус тилшунослигининг истиқболли йўналишларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 - сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 - сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775 - сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://old.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958 - сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда бошқа соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Рус тилида морфонологик ҳодисаларни тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, University of Illinois (Чикаго, АҚШ), Ohio State University (Колумбус, АҚШ), Yale University (Нью-Хейвен, АҚШ), University of California (Лос-Анджелес, АҚШ), Авлиё Климент Охридский номидаги София университети (София, Болгария), Universität Wien (Вена, Австрия), Univerzita Karlova v Praze (Прага, Чехия), University of Toronto (Торонто, Канада), Чехия Республикаси Фанлар академияси Славяншунослик институти (Прага, Чехия), РФА Рус тили институти (Москва), РФА Лингвистик тадқиқотлар институти (Москва), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Москва), Санкт-Петербург давлат университети (Санкт-Петербург), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон), Ўзбекистон жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон).

Турли тилларнинг морфонологик хусусиятларига оид тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий хулосалар олинган: морфонологиянинг фан сифатидаги асослари ишлаб чиқилган (Вена университети); лисоний синтез моделида морфонологик ҳодисалар асосланган (РФА Шарқшунослик институти), морфонологик вариация масалалари (М.В. Ломоносов номидаги МДУ), умумий ва славян морфонологиянинг назарий асосларини ўрганиш орқали (СПбДУ), славян, қадимги рус ва праславян тилида урғу муаммоси тадқиқ этилган (РФА Славяншунослик институти), рус тилида урғу ҳамда морфем таркиб ўртасидаги алоқа масалалари тадқиқ этилган (МДУ), мумтоз тиллар морфонологияси муаммолари аниқланди (В.И. Разумовский номидаги Саратов давлат тиббиёт университети), турли тиллар морфонологиясини

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.lomonosov.institute](http://www.lomonosov.institute), <http://www.fil.unn.ru/o-fakultete/struktura/kafedry/kafedra-istorii-russkogo-yazyka-i-sravnitelnogo-slavyanskogo-yazykoznaninya/>; <http://phil.spbu.ru/o-fakultete-1/struktura-fakulteta/kafedry/slavyanskoi-filologii>; [www.vub.ac.be](http://www.vub.ac.be); <https://www.rsuh.ru/education/ifi/structure/the-department-of-slavonic-studies-and-central-european-studies.php>; [www.upf.edu/en/home](http://www.upf.edu/en/home), [www.ralk.info](http://www.ralk.info), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.ugr.es/en](http://www.ugr.es/en), [www.mq.edu.au/](http://www.mq.edu.au/), [www.uzswlu.uz/](http://www.uzswlu.uz/), [www.universityofcambridge.edu](http://www.universityofcambridge.edu) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

типологик ўрганиш муаммолари ўрганилган (РФА Тилшунослик институти), морфонологик ҳодисаларни ўрганишга генератив ёндашув асослари ишлаб чиқилган (Чикаго университети, Лос-Анджелесдаги Калифорния университети, рус тили морфонологик ҳодисаларини аналитик тавсифлаш асослари белгиланди (РФА В.В. Виноградов номидаги Рус тили институти), анъанавий русистика қоидаларининг нутқ синтези ғояси билан уйғунлашуви натижаси сифатидаги синтетик ёндашув асослари очиқ берилган, маълум синхрон кесимда морфонологик ҳодисаларни таърифлаш методикаси такомиллаштирилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Морфонологик ҳодисаларни ўрганишнинг асосий қоидалари Н.С. Трубецкой, И.А. Бодуэн де Куртенэ<sup>3</sup> ишларида ўрганилган бўлиб, морфонология фонемаларни морфемалар таркибидаги ўрганувчи тил ҳақидаги фан соҳаси сифатида талқин этилган. Морфонологик назарияни ишлаб чиқиш ҳамда маълум тиллар морфонологияси тавсифига: Р.О. Якобсон, А.А. Абдуазизов, С.Б. Бернштейн, Т.В. Булигина, Н.А. Еськова, Е.А.Земская, А.А. Зализняк, Н.Е. Ильина, И.Б. Иткин, В.В. Касевич, Е.С. Кубрякова, В.В. Лопатин, А.Нурмонов., М.В. Панов, В.А. Плунгян, Т.В. Попова, В.А. Редькин, С.М. Толстая, И.С. Улуханов, В.Б. Чурганова, А.Г. Шереметьева каби олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар<sup>4</sup>.

---

<sup>3</sup>Трубецкой Н.С. Морфонологическая система русского языка // Трубецкой Н.С. Избранные труды по филологии. – М.: Прогресс, 1987. – С. 67-142.

<sup>4</sup>Якобсон Р.О. Русское спряжение. // Якобсон Р.О. Избранные работы. – М.: Прогресс, 1985; Абдуазизов А.А. О взаимосвязи словообразования и морфонологии. // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2015. – № 5(0). – С.40–48.; Бернштейн С.Б. Очерки славянской морфологии. (чередование согласных в именных на –А). // Славянская филология. Вып. 8. – М., 1973. – С. 83-96. Бернштейн С.Б. Очерк сравнительной грамматики славянских языков. Чередования. Именные основы. – М.: Наука, 1974. – 380 с.; Булигина Т.В. Замечания к понятию регулярности морфонологических явлений в сфере словообразования. // Актуальные проблемы русского словообразования. – Т.1. – Ташкент, 1975. – С. 443-448. Булигина Т.В. Проблемы теории морфологических моделей. – М., 1977. – 287 с.; Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование: учеб.пособие. // Е.А. Земская. – 9-е изд., стер. – М.: Флинта, 2016. – 325 с.; Зализняк А.А. Русское именное словоизменение. – М.: Славянская культура, 2012. – 750 с.; Иткин И.Б. Русская морфонология. – М.: Гнозис, 2007. – 272 с.; Касевич В.Б. Морфонология. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1986. – 161 с.; Ильина Н.Е. Парадигматика и синтагматика в морфонологии. // Язык: Система и подсистемы. – М., 1990. – С. 102-111; Кубрякова Е. С., Панкрац Ю. Г. Морфонология в описании языков. – М.: Наука, 1983. – 118 с.; Кубрякова Е.С. Проблемы словосложения и исследование структуры слова в современной лингвистике. // Теория грамматики. Морфология и словообразование. – М., 1992. – С.81-84; Лопатин В.В. Морфонологические явления в словообразовании. // Русская грамматика. – Т. 1. – М.: Наука, 1980. – С. 413-421, 430-451; Лопатин В.В., Улуханов И.С. Словарь словообразовательных аффиксов современного русского языка. – М.: Издательский центр «Азбуковник», 2016. – 812 с.; Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Панов М.В. Позиционная морфология русского языка. – М.: Наука, Языки русской культуры, 1999. – 275 с.; Попова Т.В. Славянская морфонология. – М., Наука, 1987. – 264 с.; Редькин В.А. Альтернации (чередования фонем). // Грамматика современного русского литературного языка. – М.: Наука, 1970. – С. 462-465; Редькин В.А., Сахаров АЛ. Морфонема и морфонологический словарь русского языка.//Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977. – С.51-70.; Толстая С.М. К сопоставительному изучению славянских языков на уровне морфонологии (глагольные основы в польском и русском языках). // Теоретические и методологические проблемы сопоставительного изучения славянских языков. – М., 1994. – С. 232-240; Толстая С.М. Морфонология в структуре славянских языков. – М.: Индрик, 1998. – 320 с; Чурганова В.Г. Очерк русской морфонологии. – М.: Наука, 1973. – 239 с.

Рус тили сўз ясалишидаги морфонологик ҳодисалар кўплаб хорижий тадқиқотчилар, жумладан, Д. Ворт, Л. Блумфильд, Г. Глисон, М. Комарек, Е. Станкевич, З.Л. Харрисларнинг ишларида ўрганилган<sup>5</sup>.

Хусусан, С.Б. Бернштейн, Д. Ворт тадқиқотларида рус тили морфонологияси умумславян миқёсда кўриб чиқилган, Е.С. Кубрякова ҳамда Ю.Г. Панкрац ишларида назарий морфонология муаммоси ўрганилган, С.М. Толстая «Славян тиллари структура морфонология» номли монографиясида морфонологик назариянинг, морфонологик ҳамда автоматик алмашинув, чегаралаш кабилмасалаларини кўриб чиқилади, В.Г. Чурганова «Рус морфонологияси очерки»да ҳозирги рус тилида морфемаларнинг ўзгариши масаласини ўрганган. В.Г. Чурганова, В.Б. Касевичлар морфонологик типология масаласини тадқиқ этган.

В.В. Лопатин, И.С. Улуханов, Е.А. Земская, Н.Е. Ильина каби олимлар эса нафақат маълум тил фактларини баён қилишади, балки умумназарий масалаларни ҳам ёритишади. Морфонологик ҳодисаларга бўлган генератив ёндашув Р.О. Якобсон ишлари асосини ташкил эт. Рус тили сўз ясалишида морфонологик ҳодисаларини ўрганишга бўлган синтетик ёндашув Д. Ворт, Т.В. Булигина, Э. Станкевич каби олимлар тадқиқотларида ишлаб чиқилмоқда.

Аmmo қатор ишлар мавжудлигига қарамай, морфонологиянинг лингвистик фанлар қаторидаги ўрни ҳозиргача баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб, рус тили морфонологик хусусиятларини типологик ўрганиш, фузия нуктаи назаридан сўзнинг товуш қобиғи синтези муаммолари илмий адабиётларда етарли даражада тадқиқ этилган эмас, булар келгусида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Рус тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

---

<sup>5</sup>Ворт Д.С. Морфонология славянскогo словообразования. // American contribution to the VII international congress of slavists. Warsaw. August, 21-27, 1973, Vol. I. Linguistics and poetics. The Hague-Paris. 1973. – С. 377-391; Bloomfield L. Minomini morphonemics. – In: TCLP. Vol. 8. – Pr., 1935. – p. 105-115; Harris Z.L. Methods structural linguistics. – Chicago. Univ. of Chicago Press, 1951. – XV. – 384 p.; Jacobson R.O. The Phonemic and Grammatical Aspects of Language in the ir Interrelations. // «Proceedings of the Sixth International Congress of Linguists». – Paris, 1949. – P. 16-18; Komarek M. Sur l’appréciation fonctionnelles des alternances morphologiques. – In: TCLP. Vol. 1. – Pr., 1964. – P. 145-161. Stankievichz. The accent patterns of the Slavic verb. // American contributions to the 6<sup>th</sup> international congress of slavists. 1968. Vol. 1. The Hague - Paris. – P. 353-376; Stankiewicz E. Studies in Slavic morphophonemics and accentology. – Ann Arbor, 1979. – P. 105-108; Carr Philip. Phonology. Palgrave, 1993, pp. 38 – 39; Clark John, Colin Yallop, Janet Fletcher. An Introduction to Phonetics and Phonology. Third edition. Blackwell publishing, 2007, pp. 126– 131, 410–411; Ewen Colin J. and Harry van der Hulst. The phonological structure of words. An Introduction // Cambridge University Press, Cambridge, 2001, pp. 85– 102.. Gussmann E. Phonology, Analysis and Theory // Cambridge University Press, Cambridge, 2002; 5. Haspelmath M. Understanding morphonology. – London, Arnold, 2002, p. 180–181; 6. Jakobson R. Phoneme and phonology // Jakobson R. Selected writings. Phonological studies. I. s- gravenhage, 1962; Lass R. Phonology. An introduction to basic concepts // Cambridge University Press, Cambridge, 1988.

**Тадқиқотнинг мақсади** рус тилининг *nomina abstracta* сўз ясалиши ҳамда диминутивларида сўзнинг товуш қобиғи синтези жараёнида морфонологик ҳодисаларни тизимли тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лингвистик мактабларнинг рус тили морфонологик ҳодисаларини тавсифлашдагитурли ёндашувларини ўрганиш;

проф. В.А. Редькин томонидан ишлаб чиқилган Москва морфонологик мактабининг асосий қонуниятларини таҳлил этиш;

«фузия», «агглютинация» тушунчаларини фарқлашга муаллифлик ёндашуви;

мавҳум отлар ва диминутивлар мисолида морфонологик бирликлар парадигматикаси таҳлилин амалга ошириш;

суффикс алломорфининг урғу ҳамда ясовчи асосингига боғлиқлигини таҳлил қилиш;

муайян сўз таркибидаги морфонологик альтернантлар синтагматик қоидалари изчиллиги ҳамда бир-бирини тақозо этишини очиқ бериш ва тавсифлаш;

суффикслар алломорфлари синфини аъзолари ўртасидаги фарқлар турли қоидаларни келтириб чиқарадиган алломорфлар парадигмаси сифатида назарий асослаш;

аффикснинг морфонологик воситалар тизимидаги ўрнини белгилаш;

морфонологик нуқтан назардан урғу, фонемалар ва аффиксациялар альтернацияларнинг функционал муқобиллигини асослаш;

тилуносликдаги сўз ясовчи суффиксларнинг шаклдошлиги масаласини ҳал қилишда морфонологик воситалар ролини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объектини** рус тилида от ясалиши жараёнидаги морфонологик ҳодисалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** рус тилида *nomina abstracta* диминутивларнинг товуш қобиғининг шаклланишида кузатиладиган сўз ясовчи аффиксларнинг морфонологик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда кузатиш, қиёслаш, таққослаш, умумлаштириш, интерпретация кабиларни қамраб олган синхрон-тавсифий усул, шунингдек, дистрибутив, аппозитив, статистик усуллар, синхрон кесим усули, лингвистик объектларни парадигматик идентификациялаш усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор турли морфонологик позицияларда морфонемаларнинг алмашиш қоидалари ва битта товуш занжиридаги морфонологик объектлар синтагматикаси Соссюрнинг парадигматика-синтагматика дихотомияси доирасида такомиллаштирилган;

суффикслар алломорфлари парадигмасини намоён этувчи морфемаларни гуруҳлаш асосида сўзнинг товуш қобиғи тузилиши муносабатлари урғу ва альтернантлар синфидан алломорф томонгагина эмас, балки алломорфдан урғу ҳамда альтернант томонга бориши имконияти аниқланган;

морфонологиянинг урғу, фонемалар ва суффикслар дифференциал белгилари синфи билан характерланувчи морфонемага эга мустақил лингвистик фан сифатидаги мақоми далилланган;

“фузия”, “агглютинация” ва “морфонема” тушунчаларини фарқлашнинг морфонологик элементлари ўзаро алоқасига асосланган морфонологик қоида призмаси орқали рус тилидаги сўз яшашнинг алломорфлар парадигмаси асосида ҳосил бўлувчи фузион табиати очиб берилган;

морфонологик жиҳатдан тадқиқ этилаётган сўзлар синфида урғу, фонемалар алмашинуви ҳамда суффиксларнинг функционал муқобиллиги, шунингдек кўрсатилган морфонологик элементлар ўртасидаги доминация хусусиятининг ўзгарувчанлиги исботланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

рус тилидаги сўз яшалишини морфонологик тавсифининг муаллифлик модели ишлаб чиқилди;

рус тилида сифатдан ясалган отлар ва диминутивларнинг морфонологик белгиларини тадқиқ этиш тамойиллари аниқланган ва баён этилган;

Соссюрнинг *парадигматика – синтагматика* дихотомияси доирасида рус тили морфонологик тизими тавсифининг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

рус тили *nomina abstracta* ва диминутивлари асосида сўзнинг товуш қобиғи синтези жараёнида кузатиладиган морфонологик қоидалар аниқланган ва таҳлил қилинган;

маълум синхрон кесимда морфонологик чизмаларни таърифлаш методикаси яратилган;

рус тили морфонологияси бўйича типологик жиҳатданаҳамиятли материаллиқ муомалага киритилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий база, тадқиқот методологияси ҳамда методикаси, янги муаммоларни шакллантириш, янги вазифаларни ҳал қилиш, шунингдек, диссертация иши назарий қоидаларининг ўтказилган тадқиқот натижаларига мослиги билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рус тили морфонологик ҳодисаларини таърифлашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва тавсифлаш, морфонологиянинг мустақил лингвистик фан сифатидаги мақомини белгилаш, суффиксни морфонологик бирлик сифатида белгилаш, урғуни функционал муқобил сифатида асослаш, тадқиқ этилаётган сўзлар синфини морфонологик планда фонема ҳамда суффиксларнинг алмашинуви, рус тили сўз яшалиши фузиявий табиатини очиш, “фузия”, “агглютинация” ва “морфонема” тушунчаларини аниқлашда морфонологик элементларнинг ўзаро алоқаси тамойилини ишлаб чиқиш, рус тилидаги аёл жинсига оид сифатлардан ясалган отлар ва диминутивларнинг товуш қобиғи синтези жараёни қонуниятларини аниқлаш ва тавсифлаш, шунингдек, рус тили сўз яшалишини морфонологик тавсифи моделининг ўзи ҳам морфонологиянинг мустақил фан сифатидаги ривожланишига муайян ҳисса қўшиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари ва материалларидан олий таълим муассасалари ўқув жараёнида маъруза ҳамда амалий машғулотларни ишлаб чиқиш ҳамда олиб боришда, умумий ва рус тилшунослиги, фонология, морфонология ҳамда сўз ясалиши, морфология бўйича махсус курсларни яратишда, диссертация ишлари, монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзишда, махсус лугатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рус тилида от исми ясалишидаги морфонологик ҳодисалар, рус тилида сўз ясалишини таърифлашга асосланган илмий тадқиқот натижалари, назарий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

Сосюрнинг *парадигматика – синтагматика* дихотомияси асосида рус тилидаги морфонологик ҳодисаларни тавсифлашга оид назарий хулосалардан ОТ-А1-63 рақамли “Билим ила нур-таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги кўриш имконияти чекланган ўқувчиларга ўрта махсус таълим муассасаларига мўлжалланган умумевропа компетенцияларига жавоб берадиган ўқув-услубий мажмуа яратиш” номли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-07-2964-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий хулосаларидан фойдаланиш натижасида, ўқув-методик мажмуанинг назарий қисми замонавий лингвистик тенденцияларга мослаштирилган;

морфонологиянинг қатор дифференциал белгилар (ДБ) синфи урғу, фонема ва суффикслар альтернатсияси билан тавсифланувчи морфонемадан иборат тадқиқот объектига эга мустақил фан сифатидаги мақоми аниқланган. Мазкур хулосадан “Историческая грамматика русского языка” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган. (Им С.Б.Историческая грамматика русского языка. - Т.: Донишманд зиёси, 2020. 304с. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-047-сон гувоҳномаси). Натижада, дарсликнинг мазмуни сўзнинг товуш қобиғи синтези жараёнида морфонологик ҳодисаларни ўрганишнинг базавий қоидалари ҳақидаги материаллар билан бойитилган;

ясовчи асос морфонологик белгилари билан боғлиқ вариантлар кўринишидаги алломорфлар доирасида ҳаракатланадиган алломорфлар парадигмасидан иборат янги морфонологик бирлик – суффиксни аниқлашга оид тадқиқот хулосаларидан ИТД-1, А-1-219 рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1, даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш” лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-07-2964-сон маълумотномаси). Натижада хулоса ва тавсиялар электрон манбалар, босма ўқув-методик нашрлар, назарий ва амалий материаллар тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

морфонологик элементларнинг ўзаро боғлиқлиги тамойилига асосланган, фузия, агглютинация ва морфонема тушунчаларини рус тилидаги сўз яшанинг фузион табиатини урғу ва ясовчининг альтернатлари

синфлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг морфонологик қоидаси ҳамда суффикс алломорфи таъсирида ясалманинг морфонологик вариантыни танлаш призмаси орқали фарқлашга доир муаллифлик ёндашувидан “Славистика” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган. (Им С.Б.Славистика. - Т.: Внешинвестпром, 220с. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-046- сон гувоҳномаси). Шунингдек, ИТД-1, А-1-209 рақамли “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3176-сон маълумотномаси). Натижада материаллар луғат тузишда тушунчаларни такомиллаштириш ҳамда тил бирликларини талқин қилишда асос вазифасини ўтаган, электрон манбалар ва типографик дарсликлар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

ўрганилаётган сўзларда урғу эквивалентлиги, фонемалар ва суффикслар алмашилишининг функционал эквивалентлиги кўрсатилган морфонологик элементлар ўртасидаги доминация характери ўзгаришига оид тадқиқот натижаларидан «Касбий мулоқот соҳасидаги таржимон» фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Россия Федерацияси Олий таълим вазирлиги Олий таълимнинг федерал давлат бюджет таълим муассасаси Воронеж давлат техника университетининг 2020 йил 28 июлдаги 13-21-21/118-сон маълумотномаси). Натижада 10 та ўқув дастури лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган, ишчи касбларни ўргатиш бўйича лойиҳа мазмуни ҳозирги рус тилида морфонологик ҳодисаларни ўрганишнинг базавий асослари тўғрисидаги материаллар билан тўлдирилган;

рус тилида сифатдан ясалган, женс.роддаги отлар ва диминутивларда товуш қобиғи синтези жараёнининг қонунийлигига оид назарий хулосалардан ИЗ-2018110171 рақамли “Умумтаълим мактабларида «Шахмат» фани учун 3-Динтерактив ўқув-методик қўлланмаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг 2020 йил 25 августдаги 01/15-09/127-сон маълумотномаси). Натижада ўқув-методик қўлланма ҳамда уларнинг “Шахмат” фани учун мультимедиавий иловаси замонавий рус тилидаги морфонологик ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда маълумотлар билан такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий хулосалари ва натижалари ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари таркибининг ҳар йиллик конференцияларида, 5 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий ва илмий-назарий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган, шундан, 1 та монография ва 28 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия

этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 2 таси хорижий илмий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 224 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, объекти ва предмети тавсифларниб, тадқиқот мавзусининг Республика фан ва технологиялари ривожлантишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, натижалари, апробацияси ва эълон қилинган ишларга оид маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Морфонологияни алоҳида тилшунослик соҳаси сифатида ажратишнинг назарий асослари ҳамда унинг ўрганиш объекти»** номли биринчи бобида асосий морфонологик мактаблар кўрсатилган, аввалги тилшунослар ишларидаги ижобий жиҳатлар ёритиб берилган, проф. В.А.Редькин ишларида ўз ифодасини топган Москва морфонологик мактабининг асосий назарий қоидалари баён қилинган.

**Прага морфонология мактаби.** Ушбу мактаб Н.С.Трубецкой томонидан яратилган. Унинг фикрича, морфонология объекти бу – фонемалар альтернацияси, яъни товушлар алмашинуви бўлиб, улар фонетик позиция билан боғлиқ эмас, сандхи ҳодисаси – морфемалар, композитлар ҳамда сўзлар кесишувида содир бўладиган фонетик ўзгаришлар. Н.С.Трубецкой альтернация ҳақидаги умумий тасаввурни морфонема деб номлаган. Прага лингвистик мактабида морфонология мустақил фан мақомини ола олмади, зеро морфонология бирликлари фонема ва морфема орқали субстанционал белгиланмаган. Аслида, Н.С.Трубецкой морфонологияси фонологик назария бўлиб қолаверди.

Морфонологиянинг қайси сатҳга тегишли эканлиги тўғрисидаги баҳслар ҳозирга қадар давом этмоқда. Масалан, Н.С. Трубецкой, А.А. Реформатский ҳамда Р.И. Аванесовлар морфонологияни фонология таркибига киритадилар, Е. Станкевич, М. Комарекуни морфонология соҳасига мансуб деб ҳисоблайдилар, Э.А. Макаев ва Е.С. Кубряковлар базавий бирликка эга бўлмаган оралиқ сатҳга киритадилар.

**Дескриптив морфонология мактаби.** Ушбу мактабнинг асосий тамойиллари Л. Блумфильд томонидан шакллантирилган. У аффикс тушунчасига асосланиб, уни мавҳум ва нисбатан алоҳида ўрганади. Аффикслар билан содир бўладиган барча морфонологик ўзгаришлар тавсифлаш объекти бўлган аффиксларнинг қўшил иши натижаси сифатида талқин этилади. Аммо аффиксларни танлаш ва уларнинг ўзаро бирикиш

масаласи ўртага қўйилмаган: Дескриптив мактаб синтагматик табиатга эга. Морфонологияга бўлган дескриптив ёндашув морфонологияни алоҳида тилшунослик соҳаси сифатида тан олмайди. Л. Блумфильд мактаби вакиллари Г. Глисон, З.Л. Харрис каби олимларни киритиш мумкин.

**Самарали грамматика мактаби** дескриптив тилшунослик замирида пайдо бўлган ва унинг асосий хусусиятларини сақлаб қолган: мавҳум морфема сифатидаги тушунча, морфонологияга морфемаларнинг бирикиш натижаларини ўрганадиган фан сифатида қараш. Унинг дескриптив мактабдан фарқи шундаки, келиб чиқиш асоси сунъий объект ҳисобланиб, морфемаларда турли морфологик қуршовда содир бўладиган барча шаклий ўзгаришларни тушуниш учун етарли ахборот мавжуд. Ушбу назариядаги етакчи ғоя – ботиний структуралар ғояси ва уларни зохирий структураларга айлантириш. Шу муносабат билан Д. Ворт ўзининг «Славян сўз ясалишида морфонология» деб номланган маърузасида рус морфонологиясини ўрганишнинг иккита йўналишини кўрсатади: аналитик ва синтетик<sup>6</sup>.

Ушбу мактабга хорижий тилшунослардан қуйидагиларни киритиш мумкин: Е. Станкевич, М. Комарек, В.Б. Чурганов, В.Б. Смиренский. Уларнинг барчаси Р.О. Якобсоннинг таянч асос ҳақидаги ғоясига таяниб, морфологик ходисаларни морфемалар бирикишида таянч асоснинг натижаси сифатида талқин этади.

Морфонологиядаги **аналитик йўналиш** В.В. Лопатин, И.С. Улуханов, Е.А. Земская каби машхур тилшунослар номи билан боғлиқ. Уларнинг фикрига кўра, морфологик ўзгаришлар тизимли табиатга эга эмас, улар суффиксацияда кенг қўлланмайди, суффиксларни танлаш қоидалари кўриб чиқилмайди. Аммо бундай қоидалар мавжуд<sup>7</sup>. Аналитик мактаб кульминацияси 70 йилдаги АГ (Лопатин В.В., Улуханов И.С.) шунингдек, мазкур муаллифларнинг «Сўз ясалиши» бўлими<sup>8</sup> да кўринади. Муаллифлар морфемалар автономдир, яъни рус тилида сўз ясалиши агглютинативдир, деган ғоядан келиб чиқади, аммо морфемалар бирикишига айрим чекловлар қўйилиши табиий, улар семантик ёхуд формал табиатга эга бўлиши мумкин.<sup>9</sup>

Аммо И.Б. Иткиннинг фикрига кўра, «умумназарий фикрлар ҳам, тадқиқотчилик амалиёти ҳам шуни кўрсатмоқдаки, бирор тил ёки тиллар гуруҳи морфонологиясини тўлиқ, оқилона ва шубҳа уйғотмайдиган қилиб таърифлашда аналитик усулнинг ўрни беқиёс»<sup>10</sup>.

### **Рус тили сўз ясалишида «фузия» ва «агглютинация» тушунчалари.**

Диссертацияда муаллиф сўзнинг товуш қобиғини синтез қилиш муаммосини фузия нуқтаи назаридан ҳал қилишга уринган. Фузия ва

<sup>6</sup>Ворт Д. Морфонология славянского словообразования. //American contributions to the 7<sup>th</sup> international congress of slavists: Warsaw: August 21-27, 1973. Vol. 1.Linguisticsandpoetics.TheHague - Paris. 1973. – С. 377-391.

<sup>7</sup> Лопатин В.В., Улуханов И.С. Словообразование. // Грамматика современного русского литературного языка. – М., 1970. – С. 133-134.

<sup>8</sup>Словообразование. // Русская грамматика. – Т.1. М.: Институт русского языка им. В.В. Виноградова, 2005.: 123-453.

<sup>9</sup> Улуханов И.С. О закономерностях сочетаемости словообразовательных морфем (в сравнении с образованием форм слов). // Русский язык. Грамматические исследования. – М., 1967. – С. 172, 175.

<sup>10</sup> Иткин И.Б. Русская морфонология. – М.: Гнозис, 2007. – С. 35.

агглютинация терминлари умумқабул қилинган. Аммо бу терминларга жойланадиган маънолар тадқиқот мақсадини ташкил этмайди. Уларнинг етарли эмаслигини исботлаш учун умумқабул қилинган таърифлар келтирамиз.

«ФУЗИЯ<sup>11</sup> [*<* лот. *fusio* қуйиш, кавшарлаш]. Флексиянинг қўшилиши ва флектив шаклнинг ҳосил бўлиши: *роза, розы, розе, розу* ва ҳ.к. Фузия – *аффиксация*нинг бир тури бўлиб, бунда алоқага киришувчи морфемалар формал жиҳатдан бир-бирига ўтиши мумкин, шунинг учун морфемалар ўртасида чегара қўйиш мушкул: *мужицкий*; 1) Ф.да *аффикслар кўп маъноли (кумулятив)*: битта аффикс бир нечта грамматик маънони ифодалаши мумкин: *доска* – бунда а тугалланмаси аёл жинси, бирлик, бош келишикни ифодалайди; 2) *аффикслар омосемик табиатга эга*: турли аффикслар битта грамматик маънони ифодалаши мумкин: масалан, *свобод а – а* аффикси бирлик, аёл жинси, бош келишикни ифодалайди; 3) фонем таркибдаги ўзак ўзгариши мумкин: *сон – сна*; 4) аффикснинг ўзак билан бирикиш хусусияти – қўшилиш.

«АГГЛЮТИНАЦИЯ<sup>12</sup> (жараён) – [*<* лот. *agglutinare* – ёпиштириш] – аффиксларнинг жиддий ўзгармаган ҳолда бирининг кетидан иккинчисининг жойлашуви орқали ўзакка аффиксни қўшиш йўли билан ясама сўз ва грамматик шаклларнинг ҳосил бўлиш усули. Агглютинацияда ҳар бир аффикс битта грамматик маънога эга бўлади: ёки сон, ёки келишик маъносини ифодалайди. Мисол учун: *от* (от), *отлар* (отлар), *отда* (отда), *отларда* (отларда) (қоз.). Агглютинация – аффиксация тури бўлиб, бунда сўз ўзаги ёхуд асосга бир маъноли стандарт аффикслар қўшилади, бунда морфемаларнинг ўртасидаги чегаралар аниқ белгиланган (масалан; қирғ., *аталар – ымыз– да*), оталаримизда; агглютинация учун қуйидаги хусусиятлар хос: 1) аффикслар бир маъноли (масалан, қирғиз тилида – *лараффикси* фақат кўпликни кўпликни ифодалайди); 2) аффикслар стандарт хусусиятга эга (мисол учун, кўпликни қирғиз тилида фақат *-лар* аффикси ифодалайди);

3) ўзак ўзгармайди (масалан, ўзак *ата* «ота»); 4) аффиксларнинг ўзак билан бирикиш характери – механик қўшилиш.

«АГГЛЮТИНАЦИЯ<sup>13</sup> ингл. *agglutination*, фр. *agglutination*, нем. *Agglutination*, исп. *aglutinacion*. 1. Бир маъноли стандарт аффиксларнинг ўзгармас асослар ёки ўзакларга механик қўшилиши. қар. фузия.»

«ФУЗИЯ<sup>14</sup> ингл. *fusion*, фр. *fusion*, нем. *Verschmelzung*, исп. *fusion*. Ўзгарувчан ўзакнинг кўп маъноли ностандарт аффикслар билан жипс

<sup>11</sup>Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд. 5-е, испр. и доп. – Назрань: ООО «Пилигрим», 2010. – С. 441.

<sup>12</sup>Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов. Изд. 5-е, испр. и доп. – Назрань: ООО «Пилигрим», 2010. – С. 23.

<sup>13</sup>Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов // О.С. Ахманова. – 2-е изд., стер. – М.: УРСС: Едиториал УРСС, 2004. URL: <https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/a.htm>.

<sup>14</sup>Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов // О.С. Ахманова. – 2-е изд., стер. – М.: УРСС: Едиториал УРСС, 2004. URL: [https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/\\_21.htm](https://classes.ru/grammar/174.Akhmanova/source/worddocuments/_21.htm).

морфологик қўшилиб кетиши бўлиб, бунда морфемалар ўртасидаги чегаралар йўқолиши (1-маънода)».

Аналитик йўналиш вакиллари бўлмиш лингвистик анъана рус тили аффиксациясига сўзда мустақил позиция эгаллаш ва урғу ҳамда товушлар алмашинуви етакчилик қилишини таъкидлашади<sup>15</sup>.

Тадқиқотишда рус тили сўз ясалари фузиявийлик билан ажралиб туриши таъкидланган, зеро рус тили типологик хусусиятларига кўра умуман олганда фузиявий характерга эга.

Юқорида келтирилган таърифлар морфемаларнинг морфологик бўлинишига олиб келади, бу эса ишимизнинг мақсадини ташкил этмайди. Шундан келиб чиқиб, ишда фузия ва агглютинациянинг муаллиф шакллантирган таърифлари келтирилиб, улар тадқиқот мақсадига мос келади ва шу билан бирга, умумқабул қилинган таърифларга зид келмайди, зеро агглютинацияни белгилаш асосида ўша автономлик тамойили, фузияни белгилаш асосида эса урғу, фонемаларнинг алмашинуви ҳамда аффиксациянинг бири-бирини тақозо этиш тамойили ётади. Юқорида келтирилган таърифлар фузия сабабларини изоҳлаб бермайди. Муаллиф эса фузия характерини ҳамда унинг ифода йўллариини ёритишга ҳаракат қилади.

Бундан келиб чиқадики, агглютинация – бу сўз товуш қобилиятининг шундай қурилишики, бунда аффиксация автоном бўлиб, қолган морфонологик элементлар (урғу ва фонемалар альтернативаси) унга бўйсунди.

Фузия бу – урғу, фонемалар альтернативаси ва аффиксацияларнинг шундай ўзаро муносабатики, бунда санаб ўтилган унсурлар, авваламбор, аффиксациянинг автоном эмаслиги кузатилади.

Морфемаларнинг автономлигини тўғри деб қабул қиладиган бўлсак (Аналитик мактаб вакиллари ғоялари айнан шунга таянади), рус тилидаги сўз ясаларида агглютинация устуворлигини тан олиш керак.<sup>16</sup> Агарда материал урғу, альтернатива, аффиксация ва урғунинг муқобиллигини, яъни сўз ясаларининг фузиявийлигини кўрсатса, фузия характерини аниқлаш керак бўлади.

Морфонологиянинг кейинги ривожини уни мустақил тилшунослик фани соҳаси таълими сифатида ажралиб чиқишига, морфонологиянинг фонология билан морфологиядан алоҳида бўлишига олиб келди, бу эса на фонология, на морфология сатҳларига қирадиган алоҳида морфонологик бирликларни ажратиш ҳуқуқини беради. Бу вазифани Москва морфонология мактаби доирасида ҳал қилишга уринилди.

**Москва морфонология мактаби.** Морфонологик бирлик тўғрисидаги тасаввурнинг шаклланиши асосида Москва фонологик мактабининг морфема тенглиги тўғрисидаги ғояси ётади: морфемаларнинг фарқи бирор қоидаларда ифодаланса, улар тенг ҳисобланади. Аммо морфеманинг тенглигини

---

<sup>15</sup>Лопатин В.В., Улуханов И.С. Словообразование. // Грамматика современного русского литературного языка. – М., 1970. – С. 36-301; Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование. – учеб. пособие. // Е.А. Земская., 9-е изд., стер., Москва, Флинта, 2016.

<sup>16</sup>Панов М.В. Русский язык и советское общество. Проспект. – Алма-Ата, 1962, – С. 45, 50-51; Русский язык и советское общество. Словообразование современного русского литературного языка. – М., 1968. – С. 9-67.

белгиловчи қоида морфонологик қоида саналади. Агарда морфеманинг тенглиги сўзнинг яхлитлигини ифодаласа, унда морфонологик қоида сўз яхлитлигини ифодаловчи ва белгиловчи восита саналади.

**В.А. Редькин концепцияси.** В.А. Редькин урғу ва фонема алмашинувининг морфонологик бирликларини ажратишни назарий жиҳатдан асослаб берган, нейтраллашувга қодир дифференциал белги (ДБ)ларга эга морфонологик бирликнинг аналитик моделини тузди. Ушбу ишда суффикслар алмашинуви назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Морфонологик бирликларни тушунишга қаратилган асосий тамойил вариант тушунчасидир. Вариант деганда, фарқланишлари муайян қоидаларни юзага келтирадиган объектлар тушунилади.

**Муқобил қаторларнинг дифференциал белгилари.** Фонемалар муқобиллари (муқобиллар қаторининг) морфонемасини белгилашда В.А. Редькин Н.С. Трубецкой терминидан келиб чиқиб, уни субстанционал жиҳатдан таърифлаган, Н.С Трубецкойдан фарқли ўлароқ В.А. Редькин в морфонемага вазифаси нуқтаи назаридан ёндашади. Муқобиллар қаторининг функционал таърифи муқобиллар корреляцияларини тавсифлаш ҳамда уларга ном беришдан иборат бўлиши керак. Корреляцияларнинг бу номлари морфонемаларнинг ДБси саналади.


Муқобиллар таркибидаги фонемалар вариантлар эканлигидан келиб чиқсак, унда муқобиллар мазмуни фонологик нуқтаи назаридан алоҳида, аммо морфонология нуқтаи назаридан тенг кўплаб фонемаларни ўз ичига оладиган парадигмага бориб тақалади. Муқобилларнинг фарқли белгиларини аниқлаш учун фонемаларнинг тўртта белгиси етарли: вокаллик, консонантлик, ихчамлик, перифериялик. Фонемалар муқобилларининг морфонологик бирликлари бу муқобиллар қатори ва муқобиллар парадигмасидир. Муқобиллар қатори бу – ихчамлик ва перифериялик белгилари билан фарқланадиган фонемалар муқобили.

Урғу ва фонемалар алмашинуви морфонологик бирликларини таърифлашда морфонемага тилининг морфонологик сатҳи бирлиги сифатида таъриф беришимиз мумкин. Морфонема – мазнур сўзлар синфини характерловчи урғу ёки фонемалар муқобиллари ДБлари.

### **Морфонологик воситалар тизимида аффикснинг ўрни.**

Тадқиқотнинг ўрганиш объектларидан бири аффикснинг ролини аниқлаш: суффикс морфонологик бирликлар аъзосими, бўлагими, ёки у морфонема доирасидан чиқиб кетадими. Агарда урғу, фонемалар алмашинуви ва суффиксларнинг иерархиянинг турли поғоналарида жойлашганлиги аниқланса, уларни рус тилининг турли бирликлари деб ҳисоблаш керак. Агарда сўзнинг товуш қобиғи тузилиши муносабатлари фақат урғу ҳамда фонемалар алмашинувидан аффиксга томон бормасдан, акси бўлса ҳам, унда мураккаб тобелик тизими мавжуд бўлиб, доминантлик характери ўзгариши мумкин. Рус тилининг фузиявий табиатини ҳисобга олиб, шундай вазиятни тасаввур қилиш мумкинки, бунда алломорф урғу муқобилини ва талаффуз қилинаётган альтернанти (алломорф ўзгарувчанлиги)ни белгилай оладиган вазиятда, урғу ва талаффуз

қилинаётган муқобиллар синфи алломорфни олдиндан белгилайди. Бунда алломорф деганда, сўз ясовчи аффикс вариантынинг муайян манифестацияси тушунилади, у сегмент унсурдан ташқари, доминация муносабатлари билан ўзаро боғланган урғу ҳамда альтернатив морфонологик хусусиятларни ўзида мужассам этади. Улар ўртасидаги доминация характери ўзгариши мумкин. Сўзнинг товуш қобиғи тузилиши муносабатлари урғу ва альтернативлар синфидан алломорф томонгагина эмас, балки алломорфдан урғу ҳамда альтернатив томонга бориши мумкин. Бунда морфонема ҳамда алломорф сифатида қараладиган birlikларни нисбатан кенгрок морфонологик birlikлар иерархиясига бирлаштириш мумкин. Бу ҳолда морфонологик birlik структураси анъанавий тарзда морфонема ҳамда алломорфга нисбат бериладиган структурага нисбатан мураккаброқ. Натижада, сабаб алоқадорликлари иерархияси аниқланиб, уларни чизма тарзида белгилаш мумкин, бунда йўналишли кўрсаткичлар сабаб шартланиши ёхуд доминацияга ишора қилади (1-расмга қаранг).



**1-расм. Аффикслар алломорфлари альтернативияси.**

Сўз ясовчи суффикс ёки морфонема деганда, вариантдошлик муносабатида бўлган кўплаб алломорфлар тушунилиб, сегмент, шунингдек, урғу ва муқобил характеристикаларни ўз ичига олган муайян сўз ясовчини ифодалайди. Тадқиқотда сўз ясовчи суффикснинг алломорфлари ҳақида гап бормоқда. Бунда инвариант семантик асосларга кўра белгиланади. Объектнинг барча кетма-кет ўзгаришларида ўзгармас бўлиб қоладиган характеристикалари назарда тутилади. Вариантлар ўртасидаги фарқланишлар айрим морфонологик қоидаларга туташади. Бунда умумий семантик маъноли парадигмага умумий товуш компонентларига эга бўлмаган суффикслар алломорфлари киритилиши мумкин.

**Морфонема алтернативияси позицияси.** Агарда фонема учун позиция сўз-шакл билан белгиланса, морфонема учун позиция сўз шакллари иерархияси, яъни ҳар бир кейинги бўлакнинг олдинги бўлак билан ортга қайтмас алоқа орқали боғланган сўз-шакллар билан белгиланади. Одатда, бундай муносабатлар тилшуносликда сўз ясаши деб номланадиган сўз шакллари синфларида кузатилади.

Морфонологик олдиндан белгиланганлик муайян тактлар кетма-кетлигини ташкил этиб, бунда ҳар бир кейинги такт аввалги тактларнинг

морфонологик белгилари йиғиндиси билан белгиланади. Бунда дастлабки такт морфонологик бўлинмас сўз позицияси саналади. У ноль позицияни ифодалаб, ушбу грамматик синфга мансуб морфонемалар белгиларини ўзида мужассам этади, кейинги тактлар морфонемалар хусусиятларини олдиндан белгилайди, аммо тескариси эмас. Диминутивлар ҳамда мавҳум отлар таҳлили мисолида кўрсатилгани каби тактлар ўртасидаги муносабатлар морфонологик бирликлар ДБлари фарқланиши ҳамда фарқланмаслиги (нейтраллашуви) позициялари саналади.

Морфонеманинг аҳамияти, яъни морфонеманинг, умуман, тил тизимидаги ўрнини тушуниш учун унинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари тавсифланади. Иккита ёхуд бир неча бирлик вариант эканлигини белгилаб, биз уларнинг тенг эканлигини, яъни битта парадигмага мансублигини исботлаймиз. Вариант нутқ объекти, парадигма эса – тил объекти. Парадигматикани тадқиқ этиб, биз урғу, фонема ва аффикслар альтернацияси тўғрисидаги умумий тасаввурни ҳосил қиламиз, бошқача сўз билан айтганда, фонематик, просодик ҳамда суффиксал альтернациялар морфонемаларини белгилаймиз. Синтагматикада кўрсатилган альтернациялар бўлаклари ёки альтернантларнинг бир-бирини тақозо этиши ҳамда кетма-кетлиги қоидалари аниқланади.

Парадигматик белгилар тавсифи, яъни турли морфонологик позицияларда морфонемаларнинг алмашиш қоидалари ва битта товуш занжиридаги морфонологик объектлар синтагматикаси қоидалари Соссюрнинг парадигматика-синтагматика дихотомияси доирасида морфонологик тизимни таърифлаш муаммосини ҳал этади.

**Диссертациянинг 2-боби “Аёл жинсига мансуб мавҳум отлар сўз ясалишидаги морфонологик ҳодисалар ва уларнинг сўзнинг товуш қобиғидаги аҳамияти” деб номланади.**

Тадқиқотнинг предмети сифатида **-ость (-есть), -ота (-ета), -ина, -изна** суффиксли сифатлардан ҳосил бўлган мавҳум отлар олинган.

Морфонеманинг аҳамияти, яъни морфонеманинг, умуман, тил тизимида муносабатини тушуниб олиш учун унинг парадигматик ва синтагматик белгилари аниқланади.

Парадигматикада биз **-ость (-есть), -ота (-ета), -ина, -изна** суффикслари тўпламини белгиловчи қоидаларни, синтагматикада эса **-ок (-ой)** суффиксли сифатлардан ясалган *высотá*, *вышинá* дублетларининг қўлланиш имкониятини белгилаймиз, яъни **-ок-** билан тугайдиган асослар **-ота, -ина** суффикслари билан биргаликда қўллана олади, аммо **-изнани** қабул қилмайди.

**-ость (-есть), -ота (-ета), -ина, -изнага** тугайдиган ясалмалар морфонологик тузилиши урғу ва аффиксация нисбатидан бошланади. В.А. Редькин урғулар нисбати асосида тўлиқ шаклларнинг урғу белгилари (Бош кел., бирлик, эркак жинси), қисқа шаклларнинг аёл ва эркак жинси шакллари орасидан бешта урғувий эгриларни кўрсатади: АА, АВ, АС, ВС, ВВ.<sup>17</sup>

---

<sup>17</sup> Редькин В.А. Акцентология современного русского литературного языка. – М., 1971. – С. 60-66.

Отларда В.А. Редькин сўнги бўгин урғуси ва сўнги бўгин бўлмаган урғу билан фаркланадиган тўрт синф урғу эгрлари синфини кўрсатади.

